

Деворга қўлни уриб, таяммум қилиш мумкинми? | Ҳадис дарслари (261-дарс)



19:00 / 21.12.2023 1775

هَلَلَا يَضَرُّ مِيَّهَ الْجَلَا يَبَأُ نَع
يَبْنَلَا لَبْقَا لَأَقُ هُنَع
نَمَّ لَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَص
لُجَرُ هَيْ قَلَفِ لَمَجَرِيَّ بَوَحَن
دُرِي مَلَفِ هَيْلَع مَلَسَف
هَلَلَا يَلَصُّ يَبْنَلَا هَيْلَع
لَبْقَا يَّتَح مَلَسَوِ هَيْلَع

هَجَّوْبَ حَسَمَ فَرَادِجًا لَعَلَّ
مَالٌ سَلَا هَيْلَعٌ دَرٌّ مُثِ هَيْدَيَّو
يَعْفُ أَشْلَاوُةً سَمَّخُلَا هَاوْرُ
هَجَّوْحَسَمَ فُ: هُظْفَلَو
هَيْعَارَدَو

Абу Жухайм розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Биъри Жамал томондан юриб келдилар. Бас, у зотга бир киши йўлиқиб, салом берди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унга алик қайтармадилар-да, девор томон бориб, юзларига ва икки қўлларига масҳ тортганларидан сўнг унга алик қайтардилар».

Бешовлари ва Шофеъий ривоят қилганлар. У келтирган лафзда:

«Юзларига ва икки билакларига масҳ тортдилар», дейилган.

Аввало ҳадиснинг ровийси Абу Жухайм розияллоху анху билан яқиндан танишиб олайлик:

Абу Жухайм куняси билан машҳур бўлган бу саҳобанинг исмлари Абдуллох ибн Жухайм ибн Ҳорис ас-Самма ал-Ансорийдир.

Бу зот саҳоба Убай ибн Каъбнинг сингилларининг ўғилларидир. Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламдан бир нечта ҳадислар ривоят қилганлар.

Бу кишидан Башир ибн Саид ал-Ҳазрабий, Муслим ибн Саид, Ибн Аббоснинг қуллари Умайр, Маймуна онамизнинг қуллари Абдуллох ибн Ясорлар ривоят қилганлар.

Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламга йўлиқиб, салом берган одам Абу Жухайм розияллоху анхунинг ўзлари эканлиги Имом Шофеъийнинг

ривоятларида келган экан.

«Беъри Жамал» Мадинаи Мунавварага яқин жойлардан бирининг номи.

Бошқа ривоятларда келишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саломга жавоб қайтарганларидан кейин: «Таҳоратим йўқ эди, ўша ҳолатда сенга алик олгим келмади», деганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Деворга қўлни уриб, таяммум қилиш мумкинлиги.
2. Таяммумда билакларга масҳ тортиш кераклиги.
3. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг доимо таҳоратли юришга ҳаракат қилганликлари.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 18 февралдаги 03-07/1102-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.